O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 11-oktabr • Shanba • 124 (27.929) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Эндиликда Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш Ўзбекистон фуқароси учун наинки конституциявий бурч, айни чоғда мамлакатимиздаги энг нуфузли касблардан бирига айланди, десак, асло муболаға бўлмайди».

ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9-10 октябрь кунлари Бишкек шаҳрида бўлиб, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгаши ва Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти (ЕврАзЭС) Давлатлараро кенгашининг мажлисларида ҳамда Марказий Осиё давлат раҳбарларининг учрашувида иштирок этди.

Бишкекда 10 октябрь куни МДҲ саммити бўлиб ўтди. Учрашув кун тартибидаги асосий масала келажакда Ҳамдўстликни иқтисодий ривожлантириш стратегияси бўлди. Ушбу ҳужжат МДҲга аъзо ҳар бир мамлакатнинг ривожланиш даражасини, салоҳият ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, узоқ муддатли иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ва иқтисодий интеграция жараёнларини фаоллаштиришни кўзда тутади.

Таъкидлаш жоизки, мазкур стратегия МДҲда иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масалалари устувор ўрин тутиб бораётганидан далолат беради. Кузатувчи ва таҳлилчиларнинг фикрича, Ҳамдўстлик доирасида қабул қилинган ҳужжатлар орасида қоғозда қолиб кетганлари ҳам йўқ эмас. Бишкекда стратегиянинг муҳокама қилиниши аъзо давлатлар МДҲнинг иқтисодий салоҳиятини тўла ишга солиш учун амалий қадамлар қўяётганини англатади.

Ўзбекистон Президенти МДҲни ривожлантиришда «аввал иқтисод, кейин сиёсат» тамойилига асосан иш юритиш зарурлигини аввалдан таъкидлаб келади. Зеро, давлатлараро муносабатлар биринчи навбатда иқтисодий ҳамкорликка асосланиши зарур.

Саммитда Ҳамдўстликни ислоҳ қилиш, унинг органлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари юзасидан фикр алмашилди. МДҲ маконида тарихан қарор топган иқтисодий ва гуманитар алоқаларни ҳар бир аъзо давлат учун манфаатли асосда сақлаш, ривожлантириш ва замон талаблари асосида қайта кўриб чиқиш зарур. Бундай алоқаларга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Дейлик, бир мамлакатнинг чекка ҳудуди электр энергиясини қўшни давлатдан олади. Бир давлат хомашё ё яримтайёр маҳсулот экспорт қилади, бошқаси уни қайта ишлайди. Баъзан бир соҳанинг ўзида экспорт ва импорт аралаш бўлади. Мисол учун, Ўзбекистон қурилиш материалларини экспорт қилади, айни вақтда қурилиш учун зарур ёғочнинг муайян қисмини четдан келтиради.

Гуманитар соҳада ҳам МДҲ мамлакатлари ўртасида кўп томонлама фойдали алоқаларни ривожлантириш зарур. Таълим, маданият ва санъат, соғлиқни сақлаш, спорт, илмий тадқиқотлар маданиятни бойитишга, илм-фанни ривожлантиришга, халқлар ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Президентлар МДҲнинг Душанбе саммитида қабул қилинган қарорлар, 2008 йилнинг транспорт муаммоларини ҳал этиш йили деб эълон қилингани муносабати билан ишлаб чиқилган дастурлар ижросининг боришини муҳокама қилдилар. МДҲни ривожлантириш концепциясини ҳаётга татбиқ этиш режасининг бажарилиши таҳлил қилинди. Давлат раҳбарлари Ҳамдўстлик Ижроия қўмитасининг МДҲ тузилмалари билан бошқа минтақавий ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликка доир ахбороти билан танишдилар.

Саммитда хавфсизликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, шунингдек, халқаро молиявий инқироз, ушбу бўҳрон келтириши мумкин бўлган салбий оқибатларни бартараф этиш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди. Молия вазирлари раҳбарлигида ишчи гуруҳи тузишга келишиб олинди.

Музокара якунида МДҲни иқтисодий ривожлантириш стратегиясини қабул қилиш тўғрисидаги қарор ҳамда Ҳамдўстлик фаолиятига, қатор соҳаларда кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга оид ҳужжатлар имзоланди. МДҲга раислик Молдова Республикасига ўтди.

ЕврАзЭС Давлатлараро кенгашининг мажлисида асосий эътибор Божхона иттифоқини тузиш ишларини якунига етказиш масаласига қаратилди. Ҳамжамият доирасида бу жараён давом этмоқда.

Президентлар транспорт коммуникациялари ва транзитдан унумли фойдаланиш масалаларини кўриб чиқдилар. Агросаноат мажмуида ҳамкорлик, Ҳамжамиятни иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари юзасидан фикр алмашдилар.

Ҳамжамият ижтимоий соҳадаги алоқаларни ривожлантиришга ҳам хизмат қилмоқда. 2007 йили Евроосиё ўйинлари ташкил қилиниб, унда 1,5 мингдан зиёд йигит-қиз қатнашди. 2009 йилда Евроосиё халқлари маданияти фестивалини ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда. Саммитда Президентлар гуманитар ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Мажлисда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шундан сўнг Марказий Осиё мамлакатлари давлат раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Музокарада сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент — Бишкек — Тошкент.

✓ ЎзХДП: сиёсий ва фуқаролик маърифати

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ

ҳар биримиздан фаоллик ва масъулиятни талаб этади

Партия электорати аъзолари сиёсий маданиятини ошириш, уларда ўз фуқаролик ҳуқуқларидан фойдаланиш, жамият ҳаётида онгли ва масъулиятли иштирок этиш кўникмаларини шакллантириш ЎзХДП сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимининг бош вазифасидир. Ушбу тизимнинг жорий ўқув йили режасидан мамлакатимиз ҳаёти, ижтимоий-сиёсий жараёнларга бағишланган долзарб мавзулар ўрин олган. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ҳузуридаги доимий ҳаракатдаги сиёсий семинарнинг давра суҳбати шаклидаги илк машғулоти Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Тадбирда асосий эътибор Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ёрқин келажагининг мустаҳкам пойдеворини қуриш борасида олиб борилаётган ишларга қаратилди. Юртимизда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар, демократик давлат ва фуқаролик жамияти, эркин ва обод Ватан қуриш сари қўйилган одимлар, том маънодаги улкан тарихий ўзгаришлар иштирокчилар диққат марказида бўлди.

— Мамлакатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон мана шундай таҳликали ва мураккаб вазиятда қандай мақсадларни кўзда тутиб, қандай амалий чора-тадбирларни амалга оширганини, бу ҳаракатнинг илмий-тарихий, мантиқий ва қонуний замини ва омиллари, керак бўлса, истиқлол ўзбек халқига туҳфа тариқасида берилмагани — буларнинг барчаси ҳақида ҳар тараф-

лама чуқур ёритиб ва исботлаб берадиган изланиш ва таҳлил бугунги кунда ҳам ўзининг долзарблиги ва аҳамиятини йўқотмаганини қайд этишимиз зарур», деган фикрлари ҳар биримиз учун муҳимдир, — деди семинар раҳбари, ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева. — Бинобарин, миллий давлатчилик асосларини шакллантириш, фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш босқичини ўз ичига олган ўтган йиллар келажагимиз учун мустаҳкам пойдевордир. Албатта, ҳар биримиз бу улкан ютуқларни шунчаки кузатувчиси эмас, балки фаол иштирокчиси бўлишимизни талаб этади.

Дарҳақиқат, охирги беш йил давомида иқтисодиётимиздаги ўсиш 48 фоизга етгани, аҳолининг реал даромадлари икки карра, ялпи ички маҳсулот ҳажми аҳоли жон бошига ҳисоблаганда икки ярим марта кўпайгани мамлакатимиз барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётганини кўрсатади.

2-бет

✓ Фракция фаолияти

МАҲАЛЛИЙ ДЕПУТАТЛАР ВА ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ ИШТИРОКИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши ҳар доимгидан ўзгача шаклда ташкил этилди

Фракция Ўзбекистон ХДП электорати манфаатини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзолари, шаҳар туманлари партия кенгашлари раислари, фаоллар иштирокида иккинчи ўқишда муҳокама қилди. Лойиҳа юзасидан Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси Бахтиёр Соатов сўзга чиқди.

Қонун иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш муносабатларини тартибга солади, мажбурий суғуртани амалга оширишнинг ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий асосларини белгилайди.

— Ушбу қонуннинг қабул қилиниши партиямиз электорати манфаати учун жуда зарур, — деди Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси, фракция аъзоси Нурдинжон Исмоилов. — Масалан, ходим корхонадан 200 минг сўм маош олиб ишлайди. Иш жараёнида бахтсиз ходиса туфайли жароҳат олди. Унга етган зарарни иш берувчи тўлаши керак.

2-бет

Қадрият

«БАХТ КЎПРИГИ»

қурилишига саховатпеша Бахтиёр Мингноров ўз ҳисобидан 25 миллион сўм ажратди

Кўприк, йўл қурган савоб. Сув келтирган эъзозланади. Деновлик Бахтиёр Мингноров ҳам ўз ҳиммати билан кўпнинг дуосини олди. У «Ҳазорбоғ» канали устида бунёд этган кўприк Салоҳиддин Бекмуродов номли ҳамда «Ўзгариш» маҳаллалари фуқароларига қулайлик яратди. Кўприкнинг фойдаланишга топширилиши ҳам чинакам тантанага айланди. Нуроний ва оқсоқоллар миннатдорчилик учун дуога қўл очишди. Тадбирда кам таъминланган оилаларнинг 8 нафар фарзандига совға-саломлар улашилди.

— Элнинг шундай эр йигитлари кўпайсин, — дейди «Ўзгариш» маҳалласида истиқомат қилувчи Мамаражаб Абдураҳимов. — Дастлаб келин-куёвлар қадам ранжида қилгани учун мазкур иншоот «Бахт кўприги» деб номланди. Энди у халқимизга узоқ йиллар хизмат қилиши тайин...

Абдумалик ҲАЙДАРОВ

✓ Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

ОНАЛАР КЎЗИДА ҚУВОНЧ ЁШЛАРИ

оталар қалбида эса ғурур, ҳаяжон

Ҳаёт мактабининг темир интизоми, тартиб-қоидалари бугунги ёшлардан ўзига нисбатан янада талабчан бўлишни тақозо этаётир. Шунданми, бугунги кунда йигитлар танлов асосида аскарликка қабул қилинаётир. Хизматга олинаётганлар нафақат жисмоний жиҳатдан бақувват, балки юксак маънавиятли бўлишлари ҳам талаб этилади. Бугун ҳарбий хизмат ёшларимиз учун улкан синов ва маҳорат мактабини ўтамоқда. Уларни иш билан биринчи навбатда таъминланишлари, олий даргоҳларда ўқишлари учун имтиёзлар яратиб берилаётганлиги диққатга сазовордир. Куни кеча Тошкент вилоятидан ҳарбий хизматга чақирилган йигитларни кузатиш катта байрамга айланиб кетди. Ота-оналар, қариндош-уруғлар, жамоат ташкилотлари вакиллари ўғлонларга оқ йўл тилашга тўпланишди.

— Биз ота-оналарнинг фарзандларимизга бўлган эътибордан бошимиз кўкка етди, — дейди Қибрай туманидан келган Гулфира Ажимуродова. — Тўғрисини айтсам, бугунги ёшларга, бугунги армиямизга ҳавасим келади. Ўйлайманки, ўғлим Бовуржон ҳарбий хизматни аъло даражада ўтаб, соғ-саломат яна бағримизга қайтади...

Дарҳақиқат, оналар кўзида қувонч ёшлари, оталар қалбида ғурур, ҳаяжон. Бугун она-Ватан хизматига шай турган ўғлонларга разм солиб, кўнглимизда эртанги кунга ишонч, умид ва орзулар жўш уради.

— Эртага ёруғ юз билан ҳарбий хизматдан қайтган юртимизнинг навқирон ҳимоячилари ҳаётда ўз ўрнини топишига ишонаман, — дейди зангиоталик Санобар Маҳмадалиева. — Негаки, армия нафақат менинг ўғлим Азизжонни, қоларверса, бугун сафарбар этилаётган барча фарзандларимизни ҳам тоблайди, чиниқтиради, уларга имконият ва имтиёз беради.

Шунингдек, вилоятнинг Паркент, Қибрай, Зангиота туманлари ва шаҳарларидан ҳам хизматга чақирилган йигитлар ҳарбий қисмларга жўнаб кетишди.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: *кузатиш маросимидан лавҳалар.*
Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган суратлар

МУЗЕЙЛАР — ТАРИХ ҚЎЗГУСИ

Тарих ва бугунни бир-бирига боғлаб турувчи, ўтмиш сабоқларидан ҳикоя қилувчи музейлар фаолиятини ривожлантириш, уларни ёшларнинг севимли масканига айлантириш йўлида ибратли ишлар амалга оширилаётир. Буни Жиззах вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Жиззах шаҳрида, Бахмал, Зомин, Ғаллаорол туманларида фаолият кўрсатаётган музейларда халқимиз тарихи, миллий маданиятимиз ва санъатимиз намуналарини акс эттирган экспонатлар кўп.

Бахмал туман халқ ижодиёти ва тарихи музейининг қатағон қурбонларига бағишланган бўлими ҳам янги тарихий ҳужжатлар, экспонатлар билан бойиб бораётир.

— Тарихни билиш ўзликни англашга хизмат қилади, бугунги осуда, фаровон ҳаётнинг қадрига етишга ўргатади, — дейди музей бўлим мудири Баҳодир Бекназаров. — Бу ёшлар тарбиясида муҳим ўрин тутади. Архив маълумотлари, хонадонларда сақланаётган ҳужжатларни ўрганиш мустабид тузум даврида кўплаб ҳамюртларимиз ноҳақ синфий душман сифатида қатағон қилинганини кўрсатмоқда. Ҳозиргача бегуноҳ қатағон қилинган юздан зиёд бахмалликлар ҳақида маълумотлар тўпладик.

Бу ишда музей ходимларига қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, мактаблардаги тарих ва ўлкашунослик тўгаракларининг аъзолари яқиндан ёрдам бермоқда.

Т.БЕКНАЗАРОВ, ЎзА мухбири

ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОШМОҚДА

Бухородаги «Бухоро-Хаушен» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси жорий йилнинг ўтган даврида бир миллион 200 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотни экспортга чиқарди.

Ипак толаси ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона вилоятдаги улкан қўшма корхоналардан ҳисобланади. Сифатли ва жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган маҳсулотнинг салмоқли қисми Хитой Халқ Республикасига сотилмоқда.

Йил охиригача эса қўшма корхона жамоаси экспорт миқдорини икки миллион доллардан оширишни режалаштирган. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан сезиларли даражада кўпдир.

«Туркистон-пресс»

БУГУНГИ СОНДА:

• ФИРИБГАРЛАР ТУЗОҒИГА ИЛИНМАНГ — ёки чет элларга бориб ишлашнинг қоида ва шартлари хусусида 2

• РОССИЯ: ПРЕЗИДЕНТНИНГ ТАШАББУСИ 3

• «ЕЙИШ УЧУН ЯШАШ ЭМАС, ЯШАШ УЧУН ЕЙИШГА ЎРГАНИНГ!» — дейди Китоб туманидаги «Табобат» хусусий шифохонаси бош шифокори Сайёра Шерқобилова қабулига келаётган беморларга 4

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

✓ 2008 йил — Ёшлар йили

ИҚТИДОР СОҲИБАЛАРИ ДОИМ ЭЪЗОЗДА

Пойтахтимизда «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида иқтидорли қизлар республика анжумани бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Болалар жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбир иштирокчилари Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйдилар.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, турли ижодий танловларнинг ғолибалари иштирок этди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Г.Маърупова, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази бошқаруви раиси ўринбосари М.Рустамов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлод ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, унинг таълим-тарбияси, истиқболи ва камолоти йўлида ғамхўрлик кўрсатиш борасидаги эзгу ишлар ўзининг ёрқин самараларини бераётганини алоҳида таъкидлади.

А.АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат

Мамлакатимизда навқирон авлод жамиятнинг чинакам таянчи ва суянчига айланиши борасида қатор дастурлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя тизимларини тобора такомиллаштириш, ёш авлодни ҳаётга қатъий эътиқод ва қарашлар руҳида тарбиялаш, маданият, санъат соҳалари билан бирга таълим, илм-фан йўналишида фаоллик кўрсатаётган истеъдод соҳибларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни янгиданянги ижодий парвозлар сари рағбатлантириш муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланган.

Бугунги кунда юртимизда ўнлаб қизлар Зулфия номидаги Давлат мукофоти ва Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиясига сазовор бўлган. Айни пайтда юзлаб истеъдодли қизлар турли ижодий кўрик-танловлар, лойиҳалар, грант дастурларида совринли ўринларни қўлга киритган. Улар томонидан олиб борилаётган илмий ва амалий изланишлар нафақат республикамиз, балки хорижий давлатларда ҳам эътироф этилаётгани эътиборга лойиқдир.

Тошкент давлат аграр университетининг ёш тадқиқотчиси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Сайёра Муродова уларнинг бири. Сайёранинг шўрланган тупроқ унумдорлигини ошириш, ўсимликларни биологик усулда ҳимоя қилиш мавзуларидаги илмий ишлари мутахассислар эътиборига тушган.

— Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда истеъдод соҳибаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, илғор ғоя ва ташаббусларини амалиётга татбиқ этиш борасида мамлакатимизда барча имконият ва шароит яратилмоқда, — дейди С.Муродова. — Буларнинг барчаси биз, ёшларни янада фаолроқ ва кўрсатилаётган ушбу ғамхўрликларга муносиб бўлишга ундайди.

Анжуманда таълим, тиббиёт, илм-фан каби кўплаб соҳаларда фаолият кўрсатаётган иқтидорли қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг илмий муассасалар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигини таъминлашга оид маърузалар тингланди ва муҳокама қилинди.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида катта мусиқий дастур намойиш этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

✓ Огоҳлик

ФИРИБГАРЛАР ТУЗОҒИГА ИЛИНМАНГ

ёки чет элларга бориб ишлашнинг қоида ва шартлари хусусида

Ўзбекистонда ташқи меҳнат миграцияси борасида фуқароларимизнинг хорижда меҳнат қилишини тартибга солувчи ҳуқуқий асослар яратилган бўлиб, ўтган давр мобайнида минглаб юртдошларимиз ана шу имкониятлардан фойдаланган ҳолда хорижий давлатларда ишлаб, тажриба ва кўникмаларини орттиришга муваффақ бўлдилар.

Бироқ, айримлар хорижда ишлашнинг қонуний йўллари бўла туриб, ноқонуний тарзда чет элга бориб ишлашга ҳаракат қилаётгани сир эмас. Бундайлар эса деярли барча ҳолларда фирибгарларнинг тузоғига тушиб, одам савдосининг қурбонига айланмоқда. Одам савдоси дунё ҳамжамиятини жиддий ташвишга солаётган муаммолардан биридир. Ўтган асрнинг 90-йиллари бошларидан эътиборан у МДҲ мамлакатларига ҳам ёйила бошлади. Турли манбаларда жабр кўрганлар сони 30 миллиондан 200 миллионгача кўрсатилади. БМТ маълумотларига кўра эса ҳар йили дунёда ўртача 2,7 миллион киши ушбу қабиҳ жиноят қурбони бўлмоқда.

Одам савдосининг тегирмонига сув қуяётган асосий омиллардан бири одамларнинг чет элга бориш ва ишга жойлашиш ҳақида етарли маълумотга эга эмаслигидир. Мўмай даромад илинжида эркаклар оғир жисмоний меҳнатга ёлланмоқда. Аёллар эса худди чўри каби рўзғор юмушларида ишлатилмоқда, энг фожиалиси, улар жинсий эксплуатация қилинмоқда. Шунингдек, қулликка солинганлардан одам аъзолари трансплантациясида донор сифатида фойдаланиш ҳолатлари ҳам учраб турибди.

Умуман, одам савдосини яхлитлигича замонавий қуллик деб аташ мумкин. Хўш, бу нималарда кўринади? Аввало, одамни зўравонлик асосида назорат қиладилар. Тобе қилиш кўпинча «ўлжа»нинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини олиб қўйишдан бошланади. Оқибатда у бегона юртда ҳеч кимга арз қилолмай, нажотсиз қолади. Иккинчидан, тутқин ўз хоҳиш-иродасига қарши ўлароқ, «хўжайин» буюрган ишларни бажаради, вазиятни ўзгартиролмайди.

Замонавий қулликка хос жиҳатлар сирасига, шунингдек, қотиллик, одам ўғирлаш, чегарадан ноқонуний ўтиш, ҳужжатларни қалбакиллаштириш каби ҳолатлар ҳам тегишлидир.

Одам савдоси объектига айланаётганларнинг яшаш ҳуқуқи, эркинлик ва дахлсизлик ҳуқуқлари қўпол равишда бузилади. Бунинг натижасида жабрдийдаларнинг соғлиғига жиддий путур етади. Бундан ҳам ачинарлиси, улар ўзга давлатларда ноқонуний ишлаганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилиши ҳам мумкин.

Устига устак, турли зўравонликларга дучор бўлиб, юртига қайтган аёлларга одамлар салбий назар билан қарайди. Айримлар уларни жамиятга хавфли ёнки умуман зарарли деб билиши улар турмушининг изга тушиб кетишига халақит беради. Бундай муносабат натижасида гоҳида бундайлар яна эски «ҳунар»ларига қайтиши эҳтимоли мавжуд.

Бугунги кунда дунё миқёсида энг жиддий муаммога айланаётган одам савдоси бизнинг юртимизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Айрим нопок кимсалар шахсий манфаатлари йўлида ўз ҳамюртларининг эрки, шаъни, ор-номусини оёкости қилишдан ҳам тап-тортмаётгани ғоят ачинарлидир.

Ўзбекистонда бундай қабиҳ жиноятга қўл ураётганларни аниқлаш ва жавобгарликка тортиш, одам савдосининг олдини олиш борасидаги ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, фуқароларимизни бу балодан ҳимоя қилиш ва огоҳ этиш борасида зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (2008 йил 8 июль) қабул қилингани бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

2

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ

ҳар биримиздан фаоллик ва масъулиятни талаб этади

(Давоми. Боши 1-бетда)

Изчил олиб борилаётган, чуқур ўйланган ислоҳотлар натижасини маънавий ҳаётимизнинг юксалаётгани, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва маърифат, баркамол авлодни вояга етказиш каби муҳим соҳалардаги ўзгаришлардан яққол сезиш мумкин. Ушбу масалалар академия проректори, иқтисод фанлари доктори, профессор Ҳасан Абдулқосимов маърузасида батафсил таҳлил этилди, слайдлар ва видеолавҳалар воситасида намойиш қилинди.

Семинар иштирокчилари баҳс-мунозаралар давомида мамлакатимизда мустақиллик йилларида кўппартиявийлик тизими шаклланган, жумладан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳаётида юз берган ўзгаришлар, бугунги кунда қўйилаётган долзарб вазифалар хусусида ҳам тўхталиб ўтдилар. Республика Президенти ташаббуси билан қабул қилинган Конституциявий қонун, қатор ҳуқуқий механизмлар сиёсий партияларнинг мамлакат парламенти фаолиятини ташкил этиш, вакиллик ва ижро ҳокимияти органларини шакллантириш, уларнинг фаолиятини назорат қилишдаги роли, аҳамиятини тубдан кучайтирди. Таъкидланганидек, бундай қулай вазият ЎзХДП ташкилотлари, сайланма органлари ҳамда депутатлик бирлашмаларининг масъулиятини янада оширди. Жумладан, барча соҳалардаги изчил ислоҳотлар, халқимиз ҳаётидаги туб ўзгаришларнинг ижтимоий самарадорлигини кучайтириш, ижтимоий дастурларни муваффақиятли бажариш, халқимиз даромадлари, фаровонлиги даражасини ошириш борасидаги вазифалар ижросини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш партия ташкилотлари ҳамда фаоллари учун ҳамиша долзарб аҳамиятга эга эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Давра суҳбатида ЎзХДП Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, ЎзХДП Тошкент вилоят ва шаҳар ташкилотлари вакиллари, экспертлар, партия марказий матбуот нашрлари масъул ходимлари, «Истиқбол» ёшлар, «Фаол аёллар» қанотлари етакчилари иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Суратларда: давра суҳбати қатнашчилари.

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар

МАҲАЛЛИЙ ДЕПУТАТЛАР ВА ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ ИШТИРОКИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши ҳар доимгидан ўзгача шаклда ташкил этилди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ёки кимдир касб касаллигига чалинди ва ногирон бўлиб қолди. Энди у ногиронлик нафақасини олади. Аммо нафақа билан ойлик маош миқдори ўртасида фарқ бор. Энди собиқ ходим 200 минг сўм нафақа ололмаслиги мумкин. Ўртадаги фарқни, бундан ташқари дори-дармон, шифохона харажатларини иш берувчи тўлаши керак. Амалиётда айрим ҳолларда иш берувчилар буни тўламаяпти. Шундай вазиятда етган зарарни иш берувчининг ўрнига суғурта компанияси тўлайди. Бунинг қонуний механизми вужудга келаяпти.

— Қонунчилик палатасига киритилганидан сўнг лойиҳа устида жиддий иш олиб борилди, — деди фракция аъзоси Илҳом Аҳмедов. — Мутахассислар, иш берувчилар, суғурта компанияларининг фикрлари ўрганилди. Ушбу ҳужжат билан янги, яъни иш берувчининг жавобгарлигини мажбурий суғурталаш институти вужудга келаяпти.

— Кўпгина тадбиркорлик субъектлари томонидан аҳоли ишга жалб этилаяпти, — деди фракция аъзоси Шарбат Абдуллаева. — Аммо, уларга ҳақ тўлаш, зарур пайтда ижтимоий ҳимоялаш борасида айрим муаммолар бор. Корхонанинг бошқа қарзлари кўпайиб кетиши, у инқирозга учраши ва ёпилиб кетиши мумкин. Нима бўлганда ҳам, оддий ишчи, ходим зарар кўрмаслиги керак. Шунинг учун ҳам мажбурий суғурта тури амалиётга киритиляпти. Аммо, лойиҳа айрим камчилик, нуқсонлардан ҳоли эмас. Биз электоратимиз манфаатларини ифодалайдиган пухта ишланган истиқболли қонунлар қабул қилиниши тарафдори эканмиз, ушбу ҳужжатнинг ҳам маромига етишига ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак.

Шунингдек, ушбу лойиҳа юзасидан депутатлар Алия Юнусова, Анвар Бойқулов, Боймурод Юсупов, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Элмира Боситхонова, шаҳар партия кенгаши ижроия қўмитаси аъзоси Маргарита Аҳмедбекова ва бошқалар ҳам ўз мулоҳазаларини билдирдилар, таклифлар айтдилар.

Йиғилишда, шунингдек, Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритилаётган «Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Мазкур лойиҳа юзасидан Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси Рашид Ҳаитов маъруза қилди.

«Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонун 1993 йилда қабул қилинган бўлиб, у стандартлаштириш ишларини ташкиллаштириш, мувофиқлаштириш борасидаги давлат органларининг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди. Унинг 1-моддасида мамлакатнинг мудофаа қобилияти ва сафарбарликка шайлигини таъминлаш қонуннинг асосий мақсадларидан бири сифатида кўрсатиб белгиланган. Бироқ, кейинги моддаларда ушбу йўналишдаги ишларни такомиллаштириш, мувофиқлаштириш масъулияти юкланган давлат органи кўрсатиб берилмаган. Бу йўналишдаги ишларни ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича умумий қоида, расмий тартибларни белгилаш мақсадида ҳарбий стандартлаштириш фаолиятининг ҳуқуқий асосини яратиш зарур.

Мудофаа қобилияти ва сафарбарлик шайлиги соҳасида ҳамда мудофаага оид маҳсулотларни стандартлаштириш вазифаларини бажаришга масъул давлат органини аниқлаш, ҳамда унинг ваколатлари, ҳуқуқларини белгилаш муҳокама этилаётган қонун лойиҳасида асосий вазифа сифатида белгиланган. Лойиҳада, шунингдек, Мудофаа вазирлигининг стандартлаштириш ишларини амалга ошириш бўйича ҳамда стандарт талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини ўрнатишга доир ҳуқуқлар белгиланмоқда.

Йиғилиш кун тартибидан ўрин олган барча масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари ишлаб чиқилди.

Беҳзод ШУКУРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллиги олдидан

Жаҳонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида 70 дан зиёд ҳужжатлар мавжуд. Аммо улар орасида БМТ томонидан қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси» алоҳида аҳамият касб этади.

Мазкур Декларация эълон қилингандан буён БМТ томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оид ўнлаб ҳужжатлар қабул қилинди. Иқтисодий, ижтимоий, маданий, фуқаролик, сиёсий ва бошқа жиноятларнинг олдини олиш, жазолашнинг шафқатсиз, инсон қадр-қимматини камситувчи турларига қарши кураш, ирқий камситишнинг барча шаклларини тугатиш, меҳнатни ва иш ҳақини ҳимоя қилиш, эркак ва аёллар учун тенг имкониятлар яратиш, мажбурий меҳнатга барҳам бериш сингари пакт ва конвенциялар шулар жумласидандир.

ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАГАН ҲУЖЖАТ

Халқаро майдонда Ўзбекистон дунёнинг кўп мамлакатлари билан инсон ҳуқуқлари масаласида ҳамкорлик қилмоқда. БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган давлатимиз бу соҳага тааллуқли қатор халқаро декларация ва шартномаларни қўллаб-қувватламоқда.

Республикамиз жуда қисқа вақт ичида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларнинг иштирокчиси сифатида шундай шартномаларнинг қирқдан ортиғига қўшилди. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқ, иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳуқуқ, болалар ҳуқуқи ҳақидаги конвенция, ярадор ва касалларга ғамхўрликни яхшилаш, аёлларга нисбатан ҳар қандай камситиш кўринишларини тугатиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, бандлик соҳасидаги сиёсат ва бошқалар шулар жумласига киради.

Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятдаги иштироки, айниқса, Европада хавфсизлик ва ҳамкорликни таъминлашда фаоллик кўрсатиши, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш анжуманларида қатнашиши муҳим сиёсий воқеалар бўлиб, бу ватанимизнинг халқаро обрўси ортиб бораётганидан далолат беради.

Қолаверса, Конституциямизнинг ҳам Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясига ҳамоҳанглигини дунё жамоатчилиги эътироф этган. Бош Қомусимизнинг кириш қисмида умумжаҳон тан олган халқаро ҳуқуқ меъёрларининг устуворлиги акс этган. Декларациянинг биринчи ва иккинчи моддасида: ***«Ҳамма одамлар ҳуқуқ ва ҳурмати жиҳатидан тенг ва эркин бўлиб, ҳеч қандай фарқсиз туғиладилар»,*** деб таъкидланади. Ушбу қоида бизнинг Конституциямиз 18-моддасида ҳам ўз ифодасини топган. Конституциямизнинг 24- ва 25-моддалари Декларациянинг учинчи моддасига тўла мос келади. Унда шахснинг дахлсизлиги, озодлиги ва яшаш ҳуқуқлари баён этилган. Декларациянинг 5- ва Конституциямизнинг 26-моддаларида шахснинг қадр-қимматини ерга урувчи ёки ноинсоний шафқатсиз қийноқлар ман этилиши ёзиб қўйилган.

Конституциямизнинг 27-моддасида: ***«Ҳар ким ўз номусига, қадр-қимматига тажовуз қилинишдан, шахсий ҳаётига аралашувдан қўриқланишга ва яшаш жойи дахлсизлигини ҳимоя қилинишига ҳақлидир»,*** деб қайд қилинган. Худди шу моддада яшаш жойига рухсатсиз кириш, рухсатсиз тинтув ўтказиш, ёзишмалар ва телефон гаплашувлари сирини очиш ҳам ман этилган. Бу эса Декларациянинг 12-моддасига жуда-жуда мос. Мулкдор бўлишлик ҳуқуқи Декларация ҳамда Конституциямизнинг 17- ва 36-моддаларида ифодаланган. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи эса 22- ва 39-моддаларида ўз аксини топган.

Конституциямизнинг 37-моддасидаги қоидалар Декларациянинг 23- ва 24-моддаларига мувофиқ бўлиб, уларда меҳнат қилиш, ишсизликдан ҳимояланиш, эркин иш танлаш, адолатли меҳнат шароити, пул тўланадиган меҳнат таътили ҳуқуқлари ифода этилган. Ҳар бир одамнинг эркин равишда илмий ва техник ижод билан шуғулланиш ҳамда маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи Конституциямизнинг 42-моддасида баён этилган бўлиб, ушбу қоида Декларациянинг 27-моддасида ўз аксини топган.

Конституциядаги инсоннинг оила ва никоҳ борасидаги ҳуқуқларининг аксарият қоидалари ҳам Декларация қоидаларига уйғунлашган. Масалан, Бош қонунимизнинг 63-моддасида ва Декларациянинг 16-моддасида оила жамият ва давлат томонидан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга эканлиги таъкидланади.

Ушбу қиёслар Конституциямизда инсоннинг умумэътироф этилган барча асосий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланганини яққол кўрсатиб турибди. Зеро, бугунги кунда башарият олдига инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини таъминлашдек долзарб вазифа қўйилган.

Бир сўз билан айтганда, инсон ҳуқуқлари ва унинг ҳимояси — олий қадрият. Бу борада дунё мамлакатлари бугунги кунда ўзаро ҳамкорлик қилишга, бир-бирлари билан тажриба алмашишга ҳаракат қилмоқда. Шу ўринда Ўзбекистонда олиб борилаётган ишларни эса дунёдаги турли сиёсатдонлар, мутахассислар алоҳида таъкидлашмоқда. Зеро, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари билан боғлиқ масаланинг нечоғли баланд кўтарилганини миллий қонунчилигимиз, хусусан, Бош Қомусимизга қараб англаш қийин эмас.

Абдусалом НОРБОЕВ,
Тошкент давлат юридик институти доценти, юридик фанлари номзоди.

Мазкур ҳужжатларга мувофиқ, бу йўналишдаги ишларни янада кучайтиришга, одам савдосига дучор бўлаётганларни ҳимоялаш ва уларга ёрдам кўрсатиш чора-тадбирларини такомиллаштиришга, ёрдам кўрсатиш бўйича ихтисослаштирилган муассасалар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда одам савдосига қарши курашда хотин-қизлар қўмиталари, ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати ва бошқа мутасадди идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш юзасидан амалий чора-тадбирлар амалга оширилаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри туманлари бандлик марказлари ходимлари учун одам савдосининг олдини олиш, ноқонуний меҳнат миграциясига йўл қўймаслик, турли жисмоний ва юридик шахслардан чет элда ишлаш бўйича бўлаётган таклифларни аниқлаштириш ҳамда бу масалаларда аҳолининг кенг қатламлари орасида тушунтиришлар олиб бориш мақсадида семинар машғулотлари ўтказилмоқда. Зеро, одам савдоси ҳақида аниқ, батафсил ва ишончли ахборот билан таъминлаш катта натижа беради.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, фуқароларимизнинг хориж мамлакатларига ишлаш учун дея алдов йўли билан олиб кетилаётгани уларни одам савдоси қурбонига айланишига сабаб бўлмоқда. Шуни назарда тутиб, яна бир бор эслатиб ўтамиз:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги 505-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролари чет элларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳукуматлараро, идораларо шартномалар ва битимлар асосида уларни чет элга ишга юбориш ва меҳнат фаолиятини ташкил этиш фақат Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ва Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги Тошкент, Бухоро, Нукус, Фарғона ҳамда Қарши минтақавий бюроларининг кўмагида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда амалга ошириш ҳуқуқига эгаликлари белгилаб қўйилган.

Шу ўринда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги 505-сонли қарорининг талабларидан келиб чиқиб, республикамиз фуқароларини чет элларда ишга жойлаштириш бўйича Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг тасарруфий ташкилотларидан бошқа жисмоний ва юридик шахслар томонидан мазкур хизматларни кўрсатишга ваколат берилмаганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

3

Шунингдек, фуқароларимиз хусусий меҳнат контрактлари (шартномалари) бўйича Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан бериладиган рухсатномалар асосида чет элларда меҳнат қилишлари мумкин. Бунда фуқарони чет элларда ижтимоий муҳофазаланишини таъминлаш мақсадида хорижий фирмадан (иш берувчи) олинган, давлат тилига таржима қилинган, барча ижтимоий кафолатлар ва тиббий суғурта кафолатланган, иш вақти, ойлик маош, иш вақтидан ортиқча ишлаганлик учун қўшимча тўлов, шунингдек, меҳнат визаси билан таъминлаш борасида иш берувчининг мажбурияти назарда тутилган ҳолда нотариал тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги консуллик муассасаси томонидан легализация қилинган контракт нусхаси тақдим этилиши керак.

Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан берилган рухсатнома билан меҳнат контракти асосида чет элга кетган фуқаро ишга жойлашиш мамлакатида Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасасида ҳисобда туриши шарт. Республиканинг вакиллик органлари бўлмаган тақдирда фуқаролар МДҲ мамлакатларининг Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан вакил қилинган консуллик органларида рўйхатдан ўтадилар.

Мамлакатимиз фуқароларини чет элларда меҳнат қилиш ҳуқуқларини амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. 2006 йилнинг март ойида илк бора вазирлик ҳамда Корея Республикаси Меҳнат вазирлиги ўртасида «Бандликка рухсат бериш тизими (Эркин ёллаш тизими) бўйича ишчи кучини Корея Республикасига юбориш тўғрисида»ги Меморандум имзоланди. Мазкур Меморандумга мувофиқ фуқароларимиз учун Корея Республикасига Эркин ёллаш тизими бўйича ишга бориш имконияти яратилди. Унга кўра, республикамиз фуқароларини Кореянинг етакчи корхоналарига бевосита ишчи мақомида ишга жойлаштириш ҳамда маҳаллий ишчилар сингари барча меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқларга эга бўлишлари таъминланади. Ҳозирги кунга қадар қарийб 3 минг нафардан ортиқ фуқароларимиз Корея Республикасига меҳнат қилиш учун юборилдилар.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа соҳалардаги ўзаро ҳамкорлик жадал ривожланиб бормоқда. 2007 йил июль ойида Ўзбекистон ва Россия ҳукуматлари ўртасида «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Россия Федерацияси ва Россия Федерацияси фуқароларининг Ўзбекистон Республикасида меҳнат фаолияти ва меҳнаткаш мигрантларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги битимнинг имзоланиши мамлакатимиз фуқароларининг Россияда меҳнат фаолиятини амалга ошириш масалаларида мустаҳкам ҳуқуқий пойдеворни яратди. Мазкур битим фуқароларимизнинг барча ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланиши кафолатлангани билан алоҳида аҳамиятга эгадир. Ҳозирги кунда агентлик ҳамда Тошкент, Бухоро, Нукус, Фарғона ва Қарши минтақавий бюролари томонидан Россиянинг бир қатор иш берувчилари ва уларнинг вакиллари билан тузилган икки томонлама шартномалар асосида фуқароларимизни мазкур мамлакатга ишга юбориш амалга оширилмоқда.

4

2008 йил сентябрь ойи ҳолатига мазкур бюролар томонидан Россия Федерациясининг Москва, Санкт-Петербург, Омск, Мурманск, Уфа шаҳарларига, Ленинград, Ростов, Саратов, Белгород, Владимир каби вилоятларига 1 минг нафардан ортиқ республикамиз фуқаролари ишга юборилдилар. Ушбу фуқаролар қурилиш, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги каби соҳаларга ишга жойлаштирилмоқда. Ҳозирги кунда Россия Федерациясининг етакчи ҳудудларида жойлашган иш берувчилар билан икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш борасида музокаралар олиб борилмоқда.

Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича Тошкент минтақавий бюроси жорий йилда Польша билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиб, қурилиш соҳасида турли мутахассисларни меҳнат қилиш учун юбормоқда.

Айни пайтда Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан Бирлашган Араб Амирликлари, Чехия, Италия сингари мамлакатлар билан ҳам бу борада музокаралар ўтказилмоқда.

Юртимизда хорижда меҳнат қилиш истагида бўлган фуқароларни ўз хоҳиш-иродаларини амалга оширишлари учун етарли шароитларни яратишга ҳаракат қилинаяпти. Шундай экан юртдошларимиз ҳам фақат қонуний йўл билан ўз мақсадларига эришишга интилишлари лозим. Шундагина турли кўнгилсиз ҳодисаларга ўрин қолмайди, фирибгарларнинг тузоғига тушиб, оила бағридан олисларда сарсон-саргардон бўлмайдилар.

Одам савдоси инсон қадр-қимматига таҳдид солаётган трансмиллий уюшган жиноятчилик кўринишларидан биридир ва унга қарши курашиш нафақат ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, балки ҳар бир фуқародан доимий огоҳлик ва ҳушёрликни, бу мудҳиш иллатга қарши курашишда ҳамжиҳатликни талаб қилади. Барчамиз ОГОҲ ва ҲУШЁР бўлайлик!

5

Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг ахборот хизмати.

✓ Ислоҳот ва масъулият

ЯНГИЧА ИШЛАШ САМАРАСИ

«Сурхонозиқовқатсаноат» ҳиссадорлик жамиятида маҳсулот тури ва ҳажми йил сайин ортмоқда

Бу жамият Сурхон воҳасининг салоҳиятли корхоналаридан бири. Айни пайтда мингга яқин киши меҳнат қилаётган жамоа аҳолининг ўсимлик ёғига бўлган эҳтиёжини қондириш, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш борасида хайрли ишларни амалга ошираётир. Натижада кўплаб янги иш ўринлари яратилмоқда.

Ўтган йили корхонада 130 минг тоннадан ортиқ чигит қайта ишланган. Бу 2006 йилга қараганда анча салмоқли. Натижада халқимизга қарийб 21 минг тоннага яқин ўсимлик мойи етказиб берилди. Режа 111 фоиздан ортиққа уддаланди. Даромад 12 миллиард 900 миллион сўмга етди.

— Амалдаги йилда 22 минг тоннадан ортиқ ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш режалаштирилган, — дейди жамият раиси Абдусалом Шоймардонов. — Ўтган даврда қарийб 71 минг тоннадан ортиқ техник чигит қайта ишланди. Натижада 12 минг 122 тоннага яқин сифатли маҳсулот тайёрланди. Ўсиш суръати эса 115 фоизга ортди. Саккиз ой давомида 1 минг 313 тонна пахта ёғи (қадоқланганини инобатга оладиган бўлсак, ўтган йилнинг шу даврига қараганда 340 тоннага яқин маҳсулот) кўп ишлаб чиқарилди. Айни кунларда корхона тўла қувват билан ишлаяпти. Жорий йилнинг ўзида 600 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди...

Айни кунларда воҳада ўн мингдан ортиқ фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Улар орасида чорвачиликка ихтисослашганлари ҳам талайгина. Шуни инобатга олган ҳолда озуқа ишлаб чиқариш режалари ҳам ортиғи билан уддаланмоқда. Ўтган йили чорвадорларга 94,5 минг тоннадан ортиқ шелуха ҳамда кунжара озуқалари биржалар орқали савдога қўйилди, яъни бу борадаги режа ҳам 112 фоизни ташкил этди.

Жамиятга замонавий хориж ускуналари келтирилгач, рўзғорбоп маҳсулотлар сифати ошди, ишлаб чиқариш ҳажми кенгайди. 2007 йилда 2 минг 300 тонна хўжалик совуни тайёрланиб, аввалги йилга нисбатан 50 тоннага кўп бўлди. Жорий йилнинг ўтган 8 ойида эса бу борадаги кўрсаткич 104,5 фоиз бажарилди.

— Яқин-яқингача қадоқланган ёғ топиш амримаҳол эди, — дейди омбор мудири Турсунпўлат Мирзаев. — Истиқлол шарофати билан 1-4 литрли қулай ва бежирим идишларда «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиғи билан маҳсулотлар тайёрлаяпмиз...

— Ўтган йилни 1 миллиард сўм соф фойда билан якунлагандик, — давом этади бош ҳисобчи Сайёра Мустафоқулова. — Жорий йил якунига қадар бу кўрсаткич яна ҳам ошади. Олинган даромад ярим йилдаёқ 600 миллион сўмдан кўп бўлди. Ишчи-хизматчиларимизга қулай шарт-шароитлар яратилган. Минг ўринли ошхона ва бошқа маданий-маиший хизмат кўрсатиш жойлари улар хизматида. Ойлик маошлар вақтида берилмоқда. Ёз ойларида илғор ишчиларнинг юз нафарга яқини сиҳатгоҳларда даволанишди. Жажжи фарзандлардан 110 нафари жамият йўлланмаси билан турли оромгоҳларда мириқиб ҳордиқ чиқаришди. Бундай эзгу ва хайрли ишларга 100 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди.

— Корхона ўз уйимиздек бўлиб қолган, — дейди ХДП бошланғич партия ташкилоти раиси Абдуғани Жабборов. — Жамоамизнинг асосий қисмини партия аъзолари ташкил этади. Ҳамфикрлик, ҳамкорлик бор жойда ривожланиш бўларкан. Буни сўнгги йилларда қўлга киритилган ютуқлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Жамиятимиздаги «Маънавият ва маърифат» хонаси мунтазам ишлаб турибди. Турли қўлланма, китоб ҳамда газеталар тахламлари бор. Ўзимиз мутолаа қиладиган нашрларга обуна бўлганмиз. Бу йил партиядошлардан 100 киши «Ўзбекистон овози»га обуна бўлишини билдиришди.

— Ватанимиз мустақиллигининг ўн еттинчи йилида «Саломатлик маркази»миз ҳам фаолият бошлади, — дейди шифокор Абдулла Холмуродов. — 14 ўринга мўлжалланган мазкур маскан қурилишига 20 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, барча қулайликлар мужассам. Қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар, асбоб-ускуналарнинг барчаси жамият ҳисобидан келтирилди.

— Ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, халқимизни сифатли ўсимлик ёғи билан таъминлаш мақсадида жорий йилда яна бир хайрли ишни бошладик, — давом этади жамият раиси. — Эрта баҳорда Бойсун, Узун, Сариосиё ва бошқа туманларда зиғир ва мастер экинлари экилди. Икки минг гектардан ошиқ майдонда кунгабоқар етиштирилмоқда. 7 минг гектар майдондаги турли ўсимликлардан жаҳон талабларига жавоб берадиган ўсимлик ёғи олинади. Уларнинг ўзимизда қайта ишланишини инобатга олсак, бу кўплаб янги иш ўринлари яратилишига ҳам асос бўлади. Яна бир янгилик: чорвачиликни ривожлантириш мақсадида корхонанинг ўзида қишлоқ хўжалик бўлими ташкил этдик. Келгусида хориждан 50 бош наслдор қорамол келтириш кўзда тутилган. Айни кунларда бу соҳада ҳам 20 нафарга яқин киши меҳнат қилмоқда. Мақсадимиз — сифатли маҳсулот тайёрлаш, янги иш ўринлари яратиш. Кўзланган режаларимиз амалга ошса, келажакда «Сурхонозиқовқатсаноат» ҳиссадорлик жамияти 1,5 минг нафардан ортиқ киши меҳнат қиладиган йирик корхонага айланади...

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

✓ Маҳсулот ўзимизники — Ўзбекистонники!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 ноябрда қабул қилинган қарорига биноан 2011 йилгача фармацевтика соҳаси корхоналарини модернизация қилиш, янги техника ва технологиялар билан таъминлаш дастури тасдиқланган эди. Уни амалга оширишда нафақат соҳада фаолият кўрсатиб келаётган йирик ишлаб чиқарувчилар, балки кичик ва хусусий бизнес вакиллари ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

Шу йилнинг август ойида пойтахт вилоятининг Қибрай туманида ташкил этилган «Agro bio kimyo» масъулияти чекланган жамият хорижий инвестициядан фойдаланган ҳолда дезинфекцияловчи воситалар ишлаб чиқара бошлади. Янги корхона қисқа муддатда 120 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришди.

ҲАМ СИФАТЛИ, АРЗОН

— Дизенфекцияловчи воситаларга шифохоналар, болалар боғчалари, мактаблар, озиқ-овқат ва умумий овқатланиш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш тармоқлари ва бошқа корхоналарда ҳам талаб катта, — дейди мазкур жамият бош директори Асадулла Ражабов. — Бу воситалар илгари асосан хориждан валютага харид қилинарди. Энди эса истеъмолчиларга замонавий дизенфекцияловчи, стерилизацияловчи воситалар, олти хил турдаги антисептикларни ўзимизда тайёрлаб, тақдим этаяпмиз. Булар асосан илмий ишланмалар асосида яратилганлиги туфайли четдан келтирилаётган препаратлардан арзон.

Таъкидлаш жоиз, жамият маҳсулотлари заҳарлилик-гигиеник ва микробиологик текширувлардан ўтган, Ўзбекистонда рўйхатга олинган ва тегишли сертификатларга эга. Бу маҳсулотлар сантехника ускуналарини ва хоналарнинг юза қисмларини дизенфекциялашга мўлжалланган бўлиб, тозалаб ювиш, ҳидларни йўқотиш учун ҳам ишлатилади. Мазкур дори-дармон воситалари сувда тез эрийди, ишлов берилаётган юза қисмларга зарар етказилмайди, занглашга олиб келмайди, ўзидан сўнг из қолдирмайди. Шунингдек, махсус ҳимоя воситаларини ҳам талаб қилмайди.

Эндоскопик техникани «совуқ» кимёвий усул билан стерилизация қилиш учун «АКВАдез-НУК 15» дори воситаси ишлаб чиқилди. Уни тайёрлашда республикамизда катта миқдорда ишлаб чиқариладиган сирка кислотаси ҳамда водород перекисидан фойдаланиляпти.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, туманда истиқомат қиладиган йигирмага яқин фуқаро иш билан таъминланди. Яқин келажакда ишлаб чиқариш қувватининг оширилиши ва янги ишлаб чиқариш линияларини ишга туширилиши билан яна кўплаб иш ўринлари яратилади.

Юнус ЗИЁДОВ.

«AGRO INVEST SUG`URTA»
очиқ акциядорлик жамияти
умумий суғурта соҳасига оид қуйидаги фаолият турларини таклиф этади:

- Бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёт шарт суғурта қилиш;
- Ер усти транспорт воситаларини суғурта қилиш;
- Йўлдаги мол-мулкни суғурта қилиш;
- Мол-мулкни оловдан ва табиий офатлардан суғурта қилиш;
- Мол-мулкни зарардан суғурта қилиш;
- Кредитларни суғурта қилиш;
- Кафилликни суғурта қилиш;
- Бошқа молиявий таваккалчиликлардан суғурта қилиш.

Ихтиёрий суғурта хизматларидан баҳраманд бўлинг!
Мурожаат учун телефонлар: *273-74-59, 729-11-00, 729-11-44.*

УКРАИНА:

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ САЙЛОВЛАР



Украина президенти Виктор Юшченко Олий Радани тарқатиб юбориш ва муддатидан олдин парламент сайловларини ўтказиш ҳақидаги фармонга имзо чекди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ сайловлар жорий йилнинг 7 декабрига белгиланган.

Юшченконинг сўзларига кўра, сентябрь бошида ҳукмрон «зарғалдоқ» коалициянинг бўлиниб кетганлиги парламент ваколатларини муддатидан олдин тугатиш ва сайловларни ўтказишга асос бўлган.

Эслатиб ўтамиз, президентпараст «Наша Украина — Народная самооборона» фракцияси Юлия Тимошенко блоки ва мухолифатчи Минтақалар партияси депутатлари президент ваколатларини чеклашга қаратилган қатор лойиҳаларни қабул қилганидан сўнг коалициядан чиққан эди. Украина Конституциясига кўра, янги ҳукмрон коалиция бир ой мобайнида тузилиши керак, акс ҳолда президент Радани тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга бўлади.

Минтақалар партияси вакиллари сайловлар ўтказилишини маъқуллашди. Юлия Тимошенко блоки эса президент қарорининг Конституцияга хилофлигини таъкидламоқда. Блок вакиллари парламентни тарқатиб юборишга жорий этилган йиллик тақиқ муддатининг ҳали тугамаганлигини билдиришмоқда. Улар Конституцияга мувофиқ, муддатидан илгари ўтказилган сайловлар натижаларига кўра тузилган VI Радани бир йил мобайнида тарқатиб юбориш мумкин эмас, дейишмоқда.

РОССИЯ:

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ТАШАББУСИ

Россия президенти Дмитрий Медведев судьялар мақоми тўғрисидаги қонунга тузатиш киритиш таклифи билан чиқди. Унга кўра, судьялар, уларнинг умр йўлдошлари ва болалари ҳар йили ўз даромадлари ва мол-мулклари тўғрисидаги декларацияни тўлдиришлари лозим бўлади. «Ведомости» газетасининг ёзишига қараганда, мазкур ташаббус президент томонидан «порахўрликка қарши» қонун лойиҳалари мажмуини тайёрлаш доирасида илгари сурилган. Декларацияни тўлдириш чоғида судьялар ва уларнинг оила-аъзолари, жумладан ер участкалари, чорбоғлар, гаражлар, қимматли қоғозларга эгалигини давлатга маълум қилишлари лозим. Шундай қилиб, судьяларнинг даромадлари ва мулкий аҳволи давлат хизматчиларининг даромадлари ва мулкий аҳволи сингари назорат этилади. Даромадлари ҳақида нотўғри маълумотлар берган амалдаги судьялар интизомий жавобгарликка тортилса, судьяликка номзодлар лавозимга берилган тавсияномалардан маҳрум бўлади. Ҳозирча маълумотлар тўғрилиги қай йўсинда текширилиши номаълум.

Айтиш керакки, 2008 йилнинг баҳор-ёзида Дмитрий Медведев коррупция билан курашиш бўйича аввал фармонни, сўнгра режани имзолаган эди. Мамлакатда коррупцияга қарши кураш бўйича тузилган кенгашга президентнинг шахсан ўзи раҳбарлик қилмоқда.

АҚШ:

ТЕЛЕМУНОЗАРА ВА ТОМОШАБИН



62,3 миллион америкалик АҚШ президентлигига номзодлар Барак Обама ва Жон Маккейн ўртасидаги иккинчи телемунозаларларнинг шоҳиди бўлди. Теннесси штатининг Нэшвилл шаҳрида ўтган мазкур учрашув 26 сентябрдаги дастлабки мунозараларга қараганда, салкам 11 миллиондан кўпроқ томошабинни телеэкран қаршисида тўплаган. Бироқ вице-президентликка номзодлар Сара Пэйлин ва Жозеф Байден мунозараларини 70 миллиондан ортиқ америкалик томоша қилган. Шу ўринда телемунозаралар бутун тарихи мобайнидаги энг яхши натижага 1980 йилда эришилганлигини айтиш лозим. Ўшанда Жимми Картер ва Рональд Рейган ўртасидаги учрашувни 80,6 миллион томошабин кузатган эди.

Фарғона вилояти Учкўприк туман Давлат солиқ инспекциясидан рўйхатдан ўтиб фаолият кўрсатган «THE BEST LIGHT STAGE» МЧЖ Фарғона вилоят хўжалик судининг 2008 йил 26 августдаги 15-08-04/13080 сонли ҳал қилув қарорига асосан, «NICE SESION» хусусий фирмаси, «МУБИНАБОНУ ТРАДЕ» МЧЖ, «ШАВКАТ» МЧЖлари Фарғона вилоят хўжалик судининг 2008 йил 9 сентябрдаги 15-08-06/11787 сонли, 15-08-06/11788 сонли, 15-08-06/11789 сонли ҳал қилув қарорларига асосан банкрот деб эътироф этилди ва тугатиш ишлари бошланди.

Ушбу корхоналарга алоқадор шахслар ва мулкчилик шаклидан қатъи назар барча кредитор (ҳақдор) корхона ва ташкилотлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 (бир) ой муддат ичида қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона вилояти Учкўприк тумани, Ўқитувчилар кўчаси, 20-«А» уй.

Учкўприк туман Давлат солиқ инспекцияси.
Телефонлар: (8-373) 515-27-34, 515-19-72.

✓ Саломатлик сирлари

«ЕЙИШ УЧУН ЯШАШ ЭМАС, ЯШАШ УЧУН ЕЙИШГА ЎРГАНИНГ!»

— дейди Китоб туманидаги «Табобат» хусусий шифохонаси бош шифокори Сайёра Шерқобилова қабулига келаётган беморларга

— Сиз айтаётган фикрни ҳар бир кишининг ўзи англаб етмас экан, унга тушунтириш бефойда. Бунинг учун дунё тажрибаси синовидан ўтган соғлом турмуш тарзи ғоясининг мазмун-моҳиятини одамларга кенгроқ тарғиб қилишдан чарчамаслик керак, холос. Биласиз, Ибн Сино ҳазратлари инсоннинг ўртача умри 120-150 йил бўлиши кераклигини бежиз айтиб кетмаганлар ва эндиликда дунё генетик олимлари бу башоратни илмий жиҳатдан исботлашди ҳам. Лекин бугун одамзод ўртача дейилаётган умрдан ҳам анча паст яшаяпти. Унинг асосий сабабини тадқиқотчилар саломатлик учун қайғурмаслик, соғлом яшашнинг жуда оддий қоидаларига ҳам амал қилмаслик оқибати дейишмоқда. Хўш, ҳар қандай хасталикнинг олдини олиш ёки соғлом турмуш тарзига амал этиш учун бизларга нималар халақит беряпти?

— Аслида **ҲАЁТ**нинг ёзилган ва ёзилмаган қонунлари бор. Уларга риоя этиш, амал қилиш жуда мушкул иш эмас. Лекин бизнинг табиатимиз, феъл-атворимиз ғалати. Жуда кўп ҳолларда ана шу бепарволик, ҳафсаласизлик қаттиқ панд беради. Арзимас гап-гаштагу бефойда суҳбат-учрашувлар учун вақтимизни қизғанмаймиз. Лекин соғлигимизга келганда: «Ота-бобомиз шусиз ҳам 80-90 ёшга кирган-ку», дея энг катта бойлигимиздан айрилиб қолаяпмиз. Вахоланки, шундай қарашда юрганларнинг ота-боболари агар соғлом турмуш тарзи омилларига риоя қилганларида борми, 120-150 ёшга киришлари ҳам мумкин эди-ку!

Оддий мисол, орамизда спиртли ичимликларни мунтазам истеъмол қилувчи, тамаки ёки наркотик моддаларга муккасидан кетганларга: «Ҳой, биродар, бу соғлиғинг учун ўта хавфли, наҳот, ўз умрингга ўзинг зомин бўлаяпсан?» — десангиз, бу танбеҳни ҳатто ҳақорат, дея тушунадиганлар ҳам учрайди. Ҳатто «Нима, сизни пулингизга чекяпманми, ичяпманми?» — дегувчилар ҳам бор. Ҳолбуки, бугун дунё олимлари оддий тамаки чекиш оқибатида йигирмадан ортиқ ўта хавфли касалликлар келиб чиқиши муқаррарлиги ҳақида бекорга бонг уришмаяпти.

Ёки пала-партиш ва ҳаддан ташқари кўп овқат ейиш, ошқозон ҳазм қилиб улгурмасдан яна кейингисини истеъмол қилиш инсон танасини турли касалликларга чалинтиришини ёки одамнинг тез қариб қолишига сабабчи бўлишини айтсангиз, устингиздан кулувчилар ҳам топилади.

— Сайёрахон, табобат даҳоси Абу Али ибн Сино «Касаллик оғиздан киради», деган фикрга такрор-такрор урғу берганлар. Ёки донишмандлардан бири: «Касаллик ўзи келмайди, чақирилади», деганида нималарни назарда тутган экан-а?

— Инсон яралганидан буён ўз ҳаётини овқатланиш билан боғлаган. Шундай бўлгач, одамларни тўғри овқатланишга ўргатиш, **ейиш учун яшаш эмас, яшаш учун ейишга** одатлантириш муҳим. Ўз саломатлигини ўйлайдиган ҳар бир одам қайси соҳада ишлашидан қатъи назар, у тўғри овқатланиш маданиятини ўзлаштирган бўлиши, яъни оқсиллар, углеводлар, витаминлар ва сувнинг аҳамиятини яхши тасаввур қилиши керак. Овқатланиш маданияти нафақат дастурхон атрофида ўзини тутиш, балки қачон, қанча ва қандай овқатни истеъмол қилишни билиш илми ҳамдир. Бу илмдан бехабарлар фақат ютқизади, холос.

Ибн Сино ҳазратлари овқатни ичимликлар билан истеъмол қилиш зарарли эканлигини, у овқатнинг қийин ҳазм бўлишига, моддаларнинг чириб, ичакларга тиқилиб қолишига ҳамда турли хавфли касалликларни келтириб чиқариши мумкинлигига алоҳида урғу берганлар.

Тиббиёт ходими сифатида айтадиган бўлсам, нотўғри овқатланиш оқибатида ўн икки бармоқли ичак, тери, бўғин касалликлари келиб чиқади. Айниқса, тунда овқатланиш ошқозон фаолиятини бузади. Ошқозоннинг фаоллик даври эрталаб соат 6.00 дан кеч 18.00 гача тўғри келади. Жуда кеч ейилган овқат организмдан қўшимча қувват талаб қилади. Чунки, тунда кишининг тана ҳарорати ва қон айланиш суръати пасаяди. Бу ўз-ўзидан ошқозон ширасининг фаоллигини сусайтиради, оқибатда тўла ҳазм бўлмаган овқат ошқозон учун катта мураккаблик туғдиради.

— Демак, соғликни асраш ҳар бир одамнинг ўзига боғлиқ. Тўғри овқатланиш эса соғлом турмуш тарзининг энг муҳим омилларидан бири эканлиги аён бўлаяпти. Унинг учун кўп нарса керак эмас. Бор-йўғи қанақа овқатни, қачон, қандай истеъмол қилиш фойда-ю, қай бири иккинчиси билан қўшиб ейилса зararлигини билиш ва унга риоя қилишнинг ўзи кифоя-да!

— Кези келганда яна шуни ҳам айтишим керакки, тўғри овқатланишнинг мия фаолияти ва қандай фикрлашга ҳам таъсири катта. Бир қарашда овқатланиш билан фикрлаш ўртасида боғлиқлик йўққа ўхшайди. Аслида овқат тананинг бошқа аъзолари каби миямиз ва фикрлашимизга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Биз истеъмол қилаётган озиқ-овқатлар қонимиз сифатига таъсир этади. Агар ҳар хил токсинлар билан ифлосланган овқатлар ошқозонга тушса, билингки, унинг зарари қонга ва шубҳасиз, мия фаолиятига ҳамда фикрлашга салбий таъсир этмай иложи йўқ. Ундан қутилиш учун миянинг ҳар бир тўқимасига фойда берадиган тиббий неъматларни парҳез йўли билан истеъмол қилиш ва ҳафтада бир марта 24 соатлик очлик ўтказиш ўта муҳим одат деб ҳисоблайман.

— Сиз соғлом турмуш тарзининг биттагина омили ҳақида шунча фойдали маслаҳатларни айтяпсиз. Бундан ташқари, яна асабийлашишдан ўзини тийиш, мунтазам жисмоний ҳаракатда бўлиш, мусаффо ҳаво қўйнида ҳордиқ чиқариш, тоза сувдан фойдаланиш, керакли вақтда, керакли меъёрда қуёш нурида тобланиш, тўғри нафас олиш, муомала маданияти ва ҳаттоки, кийиниш каби яна бошқа бир неча омиллар борки, улар ҳақида ҳам соатлаб гапириш мумкин. Айтингчи, сиз раҳбарлик қилаётган шифохонада даволанаётган беморларда учраётган касаллик соғлом турмуш тарзига риоя қилмаслик оқибатида ҳам келиб чиқиши мумкинми?

— Аввало инсон танасида пайдо бўладиган оқ доғлар касаллиги хусусида қисқача тўхталмоқчиман. Чунки, у ҳакда ҳар бир одам тўлиқ маълумотга эга бўлмоғи керак. Акс ҳолда, ўзича даволайман деб терини тиклаш ўрнига, жиддий зарар етказиш мумкин. Инсон танасига меъёрида ранг бериб турувчи меланин пигменти етишмаслиги бу касалликни келтириб чиқаради. Меланин доналари терининг барча юзасида бир хил миқдорда бўлади. Оқ ёки буғдойранг одамларда меланин пигменти бирмунча камроқ, қорамағиз кишиларда эса аксинча, жуда кўп бўлади. У организмни қуёш энергияси билан таъминлайди, ортиқча нурланишдан сақлайди. Унинг таркибида 14 хил витамин ва 10 хил микроэлемент бор. Ана шу витамин ва микроэлементларнинг бирортаси бемор қонида ёки ҳужайрасида етишмай қолса, терининг ранги бузилади ва оқариб қолади.

Танадаги оқ доғларнинг келиб чиқиш сабаблари эса турлича. Наслдан наслга ўтадиган турлари ҳам учрайди. Табиат мусаффолиги бузилиши натижасида ёки сиз юқорида санаган соғлом турмуш тарзига риоя қилмаслик оқибатида ҳам танада оқ доғлар келиб чиқиши мумкин. Айрим ҳолларда бу касаллик билиб-билмай қилинган ноўрин ҳаракатимиз туфайли ҳам пайдо бўлиши кузатилмоқда. Масалан, тор кийимларни ёпиштириб ёки сиқиб кийиш оқибатида қон айланиши бузилиб, қон билан келаётган витаминлар терига бемалол алмашинмаганлиги натижасида иккала ёнбош, тизза, тирсак, билак, қўлтиқ ости, бўйин, жинсий аъзоларда оқ доғлар пайдо бўлади. Кўрдингизми, оддийгина хатолик туфайли қанақа кўнгилсизликлар келиб чиқмоқда. Аммо ҳар қандай дарднинг ҳам давоси бор, дейди аҳли донишлар.

— Тузалиши анча қийин бўлган бу хасталикни даволашда анъанавий усуллардан фойдаланяпсизми, ёки?..

— Анъанавий даволаниш билан биргаликда унинг келиб чиқиш сабаблари чуқур ўрганилиб, халқ табобати усулларини ҳам қўллаяпмиз. Айниқса, қуёш ваннасидан унумли фойдаланяпмиз. Парҳез, жисмоний машқлар ва ҳафтасига 24 соатлик очлик усулларини жорий қилганмиз. Бунинг самарасини йиллар давомида азият чекиб, касалликдан халос бўлаётган беморларнинг чексиз қувончларида кўраяпмиз.

Шу ўринда шифокор сифатида яна бир нарсани айтишим керак, айримлар бу касалликни ўзбошимчалик билан даволамоқчи бўладилар. Ҳолбуки, билиб-билмай қилинган нотўғри муолажалар тескари таъсир кўрсатиб, касалликни даволаш қийинлашади. Шунинг учун ҳар қандай ҳолатда ҳам мутахассис маслаҳатига амал қилиш шарт.

Хуллас, ҳар бир одам аввало касал бўлмаслик ҳақида қайғуришни ўрганиши керак. Оддий мисол, ҳаётимиз давомида данғиллама тўйлар қилиш учун маблағ йиғамиз, машина олиш ниятида елиб-югурамиз, замонавий ва қимматбаҳо қийим-кечакларга пулни аямаймиз. Аммо соғлик бўлмаса, буларнинг бари бир чақага арзимас эканлигини билсак-да, саломатликни мустаҳкамлаш учун маблағ жамғаряпмиз, деганларни кам учратамиз. Ахир, саломатлик ҳақида қайғурмаслик, бепарво бўлиш ҳам кечириб бўлмас хатолардан бири эмасми?

Рўзибой ҚЎЛДОШЕВ суҳбатлашди.

✓ Хабарлар

ЎЗБЕКИСТОН — БОЛАЛАР НИГОҲИДА

Лондондаги Қироллик санъати коллежида «Ўзбекистон — болалар нигоҳида» деб номланган фотокўргазма бўлиб ўтди. Маълумки, бугунги кунда хорижда Ўзбекистонга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Буни ушбу кўргазмага ташриф буюрган кўплаб томошабинларнинг нигоҳидан ҳам билиш мумкин. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ташкил этилган кўргазмада намойиш этилган фотосуратлар мактаб ўқувчилари, болалар ижоди марказлари, Меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатлар тарбияланувчилари томонидан тасвирга туширилган. Бу суратларда болаларнинг ўз тенгдошлари, дўстлари, жонажон шаҳарлари ҳаётидан олинган ёрқин лаҳзалар акс этган. Жамғармага тақдим этилган мингта ана шундай фотосуратдан намойиш этиш учун 120 таси танлаб олинди. Улар муаллиф ва у олган фотосуратлар ҳақида ҳикоя қилувчи махсус каталокка киритилди. Кўргазма британияликларда катта таассурот қолдирди.

МАТНШУНОСЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институтида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда тарихимизни асл ҳолича ўрганишга қаратилаётган улкан эътибор туфайли юртимиз ва хориждаги қўлёзма фондларида, музейлар ва кутубхоналарда сақланаётган нодир манбаларни мукаммал тадқиқ этиш, уларни ёш авлодларга етказиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Юртимиз олим ва мутахассислари томонидан буюк алломаларимиз яратган кўплаб асарлар, тарихимизнинг турли даврларига оид қимматли манбаларнинг салмоқли қисми асл ҳолича тадқиқ қилинди ва чоп этилди. Конференцияда хорижда нуфузли илм-фан марказлари билан яқиндан алоқалар йўлга қўйилганлиги сабабли қадимий манбалар хорижий тилларга таржима қилинаётгани ҳамда уларни жаҳон миқёсида кенг намойиш этилаётганлиги алоҳида қайд этилди.

Ўз мухбиримиз.

«CARLSBERG UZBEKISTAN»:

ЯНГИ НОМ, РАМЗ

Ўзбекистоннинг етакчи пиво ишлаб чиқарувчи компанияларидан бири — «Sarbast Plus» ҚК бугундан эътиборан МЧЖ «UzCarlsberg» ҚК деб юритилади. Айни чоғда рамзи ҳам ўзгариб, унинг янги корпоратив логотипи «Carlsberg Uzbekistan» деб номланади. Бундай ўзгариш «Carlsberg Group» компаниясининг жорий йил апрелида «Baltic Beverages Holding» (BBH)нинг активларини сотиб олиб, BBH ҳамда «Sarbast Plus» активларининг тўлақонли эгасига айланганлиги билан боғлиқдир.

Шундай қилиб ёш жамоа дунёнинг 61 мамлакатида 40000 нафар ходимга эга ҳамда кунига 95 000 000 литр пиво сотадиган «Carlsberg Group»нинг катта халқаро «оила аъзоси»га айланмоқда. Айтиш керакки, қўшма корхонанинг иш бошлаганига бир йилдан ошди. Шунга қарамай Ўзбекистон ҳукуматининг яратиб берган қулай инвестиция муҳити сабабли бозорга чиқарилган «Sarbast» савдо белгилари сифати билан ҳақли равишда ҳурмат қозонди. Инвестицион лойиҳани амалга оширишни давом эттириб ҳамда импорт ўрнини босиш бўйича дастурни қўллаб-қувватлаган ҳолда жорий йил июлида қўшма корхона машҳур «Tuborg Greenв» савдо белгисини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Ноябрь ойида эса Тошкент заводи машҳур «Балтика»нинг «уч» ва «тўққиз» маҳсулотларини ишлаб чиқаришга киришади.

Алишер РЎЗИЕВ.

✓ Футбол

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА КИМЛАР БОРАДИ?

AFC U-16

Пойтахтимизда футбол бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилаётган XIII Осиё чемпионати гуруҳ учрашувлари ниҳоясига етди.

Мусобақанинг «А» гуруҳида тўп сурган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси охирги турда бахрайнлик тенгдошларига қарши тўп суриб, 2:0 ҳисобида зафар қучди ва чорак финалга йўлланма олди. Гуруҳ пешқадами Эрон вакиллари эса сўнгги ўйинда сингапурлик ўсмирлар билан куч синашдилар — 4:1. Энди ҳамюртларимиз чорак финалда «В» гуруҳи ғолиби Жанубий Корея футболчиларига қарши майдонга тушишса, эронликлар Сурия ўсмирлар терма жамоасига қарши тўп суришади.

Чемпионатнинг кутилмаган ҳолат ва натижалари «Д» гуруҳида қайд этилди. Биринчи турда Яман — Бирлашган Араб Амирликлари ўсмирлар терма жамоалари учрашуви 1:1 ҳисобида ниҳоясига етганди. Аммо ОФК махсус комиссияси қарорига мувофиқ, БАА терма жамоаси таркибида мусобақанинг саралаш босқичида икки маротаба сариқ карточка олган футболчи майдонга тушганлиги туфайли ҳисоб бекор қилиниб, яманликлар фойдасига техник (3:0) ғалаба ёзилди.



Худди шу гуруҳда амалдаги Осиё чемпиони Япония вакиллари олдиндан етакчи сифатида эътироф этилаётганди. Дастлабки ўйинда Малайзия футболчиларини 4:1, иккинчи турда БАА терма жамоасини 6:1 ҳисобида мағлуб этган японияликлар буни амалда исботлаётгандек эди. Бироқ охирги турда Яман ўсмирларига қарши майдонга чиққан Кунчиқар юрт вакиллари кутилмаганда майдондан бош эгиб чиқиб кетишди — 1:2. Натижада японияликлар гурухда иккинчи ўринни эгаллаб, кейинги босқичга йўлланма олдилар.

Қуръага кўра, чорак финалнинг қолган икки учрашувида қуйидаги жамоалар ўзаро баҳс юритишади: Австралия — Япония, Яман — Саудия Арабистони. Ушбу босқичнинг тўртта ўйини ҳам 12 октябрь куни МҲСК ва «Пахтакор» Марказий стадионларида бўлиб ўтади.

Эслатиб ўтамиз, чорак финал ғолиблари баҳсларни давом эттириш билан бирга, келгуси йили ўсмирлар ўртасида Нигерияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

Эркин ХОЛБОБО

БОЗОР ИШГА ТУШДИ

Сўнгги пайтларда Андижон вилояти шаҳарлари ва туманлари марказларида кўплаб замонавий савдо марказлари, сервис хизмати мажмуалари, ижтимоий-иқтисодий ҳамда маъмурий бинолар, истироҳат боғлари, дам олиш масканлари, сайлгоҳлар, бозорлар қад кўтармоқда.

Яқинда вилоят марказининг 1-кичик даҳасида «Янги бозор» деҳқон бозори ОАЖ фойдаланишга топширилди. Элликта савдо растасидан иборат бу мажмуада сотувчи ва харидорлар учун барча қулайликлар муҳайё. Бозор қурилишини «Вилоят бозорлар уюшмаси»нинг махсус қурилиш ташкилоти жамоаси адо этди. Замонавий, кўркам мазкур бозор аҳолига катта қулайлик яратиш билан бирга, шаҳар кўркига кўрк бўлиб қўшилди.

Суратларда: *«Янги бозор» фаолиятидан лавҳалар.*

Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.

ҲУШЁР БЎЛИНГ, АЗИЗ ОДАМЛАР !

ЭЙ ИНСОН, СОТИЛИБ, АЛДАНИБ, ЧЕТ ЭЛЛАРДА ЗОРУ САРСОН БЎЛИБ ҚОЛМА!



Мурожаат учун телефонлар:
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлари вазирлиги
(371)233-22-33

Мурожаат учун телефонлар:
Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги
(371)239-43-88

ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА ИДОРАЛАРАРО КОМИССИЯСИ

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Tat`yana KISTANOVA
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi:
Bardambek SA`DULLAYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi:
Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 949
8129 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 23.50
Topshirilgan vaqti — 00.50
1 2 3 4 5 6 8
Sotuvda erkin narxda